Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2013-yil 21-fevral, payshanba № 22 (3215)

## ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ: ЭЗГУ МАҚСАД ВА МУҲИМ ВАЗИФАЛАР

***Мамлакатимизда ҳар бир йилга шу давр ичида тараққиётнинг муҳим йўналишларини ифода этадиган ном бериш эзгу анъанага айланган. Долзарб ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этиш учун тегишли давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, йил давомида амалга оширилмоқда. Мазкур жараёнга инвестициялар ажратишда нафақат давлат, балки нодавлат тузилмалар, жамоат ташкилотлари, корхоналар ҳам иштирок этмоқда. Ўтган йиллар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, бундай дастурларнинг ҳаётга татбиқ этилиши муайян даврда бажарилиши белгиланган вазифаларни юксак самаралар билан амалга ошириш имконини беради. Айни пайтда истиқболдаги бир неча йил учун замин яратиб, ривожланиш йўналишларини белгилаб олишга кўмаклашади. Энг муҳими, буларнинг барчаси аҳолининг турмуш даражаси ва фаровонлигини янада оширишга қаратилган ишлар изчиллигини таъминлаш, жамиятимиз, халқимиз ва мамлакатимизнинг янада равнақ топишига хизмат қилади.***

Президентимиз Ислом Каримов 2012 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2013 йилни Обод турмуш йили, деб эълон қилди.

Ушбу эзгу мақсадлар «Обод турмуш йили» Давлат дастурида ўзининг тўлиқ ифодасини топди. Унда белгилаб берилган чора-тадбирлар ўтган йилларда ҳаётга татбиқ этилган кенг кўламли ишларнинг мантиқий давомидир.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури 8 бўлим ва 86 банддан иборат бўлиб, уларда мамлакатимизнинг жорий йилда ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳамда сиёсий ҳаётини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, аҳоли фаровонлигини ошириш, ҳар бир оилада ва, умуман, жамиятимизда ижтимоий барқарорлик, тинчлик ва тотувликни таъминлаш йўллари аниқ белгиланган.

Дастурда режалаштирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш вазифаси давлат ва нодавлат ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, мамлакатимизнинг барча фуқаролари қатнашишини тақозо этади. Уларни бажарадиган муайян ижрочилар — тегишли вазирлик ва идоралар, амалга ошириладиган тадбирларнинг ижро муддатлари, молиялаш манбалари, мониторинг тизими, қонуний-ҳуқуқий, ташкилий ҳамда иқтисодий механизмлари белгиланган.

Мамлакатимизда барқарорлик ва осойишталик, хавфсизлик, фуқаролар ва миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жамият фаровонлиги ва равнақини изчил юксалтириш мазкур Давлат дастурининг муҳим устувор йўналишлари этиб белгиланган. Ушбу ижобий жараённи таъминлаш мамлакатимизда барча жабҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни чуқурлаштириш учун мустаҳкам пойдевор, жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишни изчил давом эттириш кафолати, кучли бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлида эришаётган ютуқларимизнинг муҳим омилидир.

Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг шаклланган қонунчилик базасини янада такомиллаштириш энг муҳим вазифалардандир. Давлат дастурида тўртта қонун — Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги, «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги, ёшларни ишга жойлаштириш шарт-шароитларини янада такомиллаштиришга қаратилган «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига оила институтини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунларни қабул қилиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, «Юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги, «Ижтимоий шерикчилик тўғрисида»ги, «Экологик назорат тўғрисида»ги қонун лойиҳалари ишлаб чиқилади.

Аҳоли фаровонлиги ва реал даромадлари муттасил ўсишини таъминлаш, бандликни ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерликни янада ривожлантириш, аҳолига, аввало, ижтимоий эҳтиёжманд қатламлар ва кам таъминланган оилаларга давлат томонидан манзилли ҳимоя ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш «Обод турмуш йили» Давлат дастурининг муҳим йўналишларидандир. 2013 йилда бюджет ташкилотлари ходимлари иш ҳақи, пенсия, нафақалар ва стипендиялар миқдорини ўртача камида 23 фоизга ошириш кўзда тутилган. Ижтимоий соҳани янада ривожлантириш ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш самарадорлигини ошириш мақсадида Давлат бюджети жами харажатларининг қарийб 60 фоизи йўналтирилади.

Дастурда янги ишлаб чиқариш ва инфратузилма объектларини қуриш, хизмат кўрсатиш, кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик соҳаларини ривожлантириш, касаначиликни кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар белгиланган. 2013 йилда, биринчи навбатда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳамда касаначиликни барқарор ривожлантириш ҳисобидан 970 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратиш кўзда тутилмоқда.

Давлат дастурига мувофиқ тижорат банклари томонидан оилавий, хусусий тадбиркорлик субъектлари, ҳунармандчиликни ривожлантириш, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари, шунингдек, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига ўз бизнесини ташкил этиши учун кредитлар ажратиш амалиётини кенгайтириш режалаштирилган. Жорий йилда бундай кредитларнинг умумий ҳажми 269,6 миллиард сўмни ташкил қилади.

**(Давоми 2-саҳифада).**

Халқаро кўргазма



19 феврал куни пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида «Таълим ва мавқега эришиш» мавзусида VIII халқаро кўргазма очилди. Тадбир «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Савдо-саноат палатаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Камолот» ЁИҲ, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, Ёшларни иш билан таъминлашга кўмаклашувчи марказ ва «SSP-Expocontact» МЧЖ томонидан ташкил этилди. Унда мамлакатимиз ва қатор хорижий олий ўқув юртлари қатнашмоқда.



## ИМКОНИЯТЛАР ЭШИГИ

Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлардаги замонавий ўқитиш услублари билан таништириш мақсадида ташкил этилган халқаро кўргазмада ёшлар ўзлари танлаган мутахассисликлари бўйича керакли маълумотларга эга бўлишмоқда.

— Ўқув даргоҳимизда таълим олишга қизиқувчилар кўп. Уларнинг асосий қисми коллеж ва лицей ўқувчилари бўлиб, бакалавр йўналиши бўйича маълумот олишмоқда, — дейди Тошкент давлат шарқшунослик институти вакили Улуғбек Назаралиев. — Институтимизда 20 дан ортиқ тил ўргатилади. Талабаларга танлов асосида Япония, Хитой, Жанубий Кореяда бир йил бепул ўқиб келиш имконияти бор.

Халқаро кўргазмада юртимиздаги консалтинг, тренинг, рекрутинг компаниялари, кўплаб йирик фирма, корхоналар, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг иш билан таъминлаш марказлари ҳам иштирок этмоқда. Улар бўш иш ўринларини таклиф этишаяпти.

Халқаро кўргазма бугун ниҳоясига етади.

**С.АБДУРАҲМОНОВ.**

**И.ҲАСАНОВ олган суратлар**

Семинар

## ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

***Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар бугуннинг ўзидаёқ фаолият самарадорлигида намоён бўлмоқда. Ўзбекистон касаба уюшмалари юзага келган имкониятлардан фойдаланган ҳолда тизимни такомиллаштириш асносида меҳнаткашлар учун яратилаётган имтиёз ва қулайликларнинг ҳар жиҳатдан оширилишига эришмоқда.***

Жорий йилдан бошлаб меҳнаткашлар манфаатларини ифодалашда муҳим ўрин тутувчи бошланғич касаба уюшма ташкилотлари молиявий имкониятларининг янада кенгайтирилиши, бунинг натижасида ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини дам олдириш ҳамда соғломлаштириш соҳасида амалга татбиқ этилган имтиёзлар фикримиз далилидир. Содда қилиб айтганда, касаба уюшма аъзолари аввалари 5 йилда 1 маротаба соғломлаштирилган бўлса, эндиликда ҳар 2 йилда имтиёзли йўлланма асосида санаторийларда дам олиш ва саломатликларини мустаҳкамлаш имконига эга бўлдилар. Шу билан биргаликда улар йўлланма қийматининг 45 фоизини тўлайдилар, холос. Мамнуният билан қабул қилинган янгиликлардан яна бири — аъзолик бадаллари ҳисобидан бериладиган санаторий йўлланмаларидан ходимнинг яқин қариндошлари, яъни, отаси ёки онаси, турмуш ўртоғи, фарзандлари фойдаланиши учун имконият яратилганлиги бўлди.

Бошланғич ташкилотларда қолдириладиган аъзолик бадалларининг 60 фоиз, йирик ижтимоий объектлари мавжуд корхона, ташкилот ва муассасалар бошланғич касаба уюшма қўмиталарида эса 70 фоиз этиб белгилангани меҳнаткашлар ўртасида ўлкамиз бўйлаб саёҳатлар уюштириш, ижтимоий ҳимоя кўламини кенгайтириш ишлари сифати ва самарадорлигини ҳам оширади. Жумладан, жорий йилда Хива, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Марғилон, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши каби тарихий шаҳарларга 40 минг нафардан ортиқ оилалар ва ижтимоий ҳимояталаб инсонларнинг жамоавий саёҳатларини уюштириш режалаштирилган. Бу борадаги ишларни юқори савияда ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг «Касаба-сайр» шўъба корхонаси, Тошкент шаҳридаги «Саёҳат-сари», Самарқанд шаҳридаги «Нодир-Самарқанд» меҳмонхоналари фаолиятини такомиллаштириш, кўрсатилаётган сервис хизматлари турларини ошириш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тизимда амалга оширилаётган такомиллашув ишлари, янгиланиш ва ўзгариш жараёнлари барча бўғиндаги касаба уюшма ташкилотлари фаолиятида акс этишини таъминлаш фаолият самарадорлигини оширишнинг муҳим жиҳатларидан биридир. Чунки корхона, ташкилот ва муассасалар касаба уюшма қўмиталари меҳнат жамоасининг ҳар бир аъзоси эҳтиёжларидан хабардор бўлибгина қолмай, улар манфаатлари ҳимоясини етарли даражада таъминлай билиши даркор. Тизимда олиб борилаётган такомиллашув ишларининг мазмун-моҳияти, улардан кўзланган мақсад ва олдиндаги устувор вазифалар, кутилаётган натижага эришиш йўлларини фаоллар онгу шуурига етказиш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан амалий семинарлар туркумини ўтказиш йўлга қўйилди. Мазкур семинарларнинг дастлабкиси Алоқа, Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология, Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмалари Марказий кенгашлари, мазкур касаба уюшмалари тизимидаги соҳа бўйича Республика бирлашган қўмиталари раҳбар ҳамда масъул ходимлари учун ташкил этилди. Унда Федерация Кенгаши мутахассислари томонидан ташкилий ишлар, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳамда меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш, ҳуқуқий тарғибот, меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларида жамоатчилик назоратини ташкил этиш, маданий-маърифий ва спорт ишларини йўлга қўйиш йўналишларида касаба уюшма ташкилотлари олдида турган долзарб вазифалар, уларни самарали амалга ошириш механизмлари тўғрисида зарур маълумот ва тавсиялар берилди. Шу билан бирга, ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, касаба уюшма ташкилотлари фаолиятининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш орқали ходимларни жамоа шартномалари ва келишувларда кўзда тутилган имтиёз ва қулайликлардан хабардор қилиш, тармоқ ва ҳудудий касаба уюшмаларининг Интернет тармоғидаги расмий веб-сайтлари сифатини ошириш йўналишларидаги ишлар сифати ва самарадорлигини янада юқори поғонага кўтариш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Касаба уюшмалари тизимида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар тўғрисида тўлиқ маълумот берилиб, туризмни ривожлантириш ишларига касаба уюшма ташкилотларининг муносиб ҳиссасини қўшиш борасида олдинда турган вазифалар таҳлил этилди.

Семинарнинг иккинчи қисмида иштирокчилар секцияларга бўлинган ҳолда амалий машғулотлар билан қамраб олинди.

Тингловчилар амалий семинар якунида фаолият самарадорлигини ошириш борасида ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Матбуот хизмати раҳбари**

## Янгиликлар оқимидан

### АНДИЖОН

***«Андижонмаш» очиқ акциядорлик жамиятида олиб борилган модернизация жараёнлари туфайли маҳсулот ишлаб чиқариш тури ва сифати янада яхшиланди.***

#### ЯНГИ ИШ ЎРНИ

Айни пайтда бу ерда мамлакатимиз иссиқлик электростанциялари учун ғилдирак, мотор ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Жорий йил учун 6 млрд. сўмлик маҳсулотга шартномалар тузилди. 20 та янги иш ўрни яратилиб, ҳозирда «Устоз-шогирд» тизимида талабалар малакаси ошириляпти.

**Абдулҳай ЮНУСОВ**

### ФАРҒОНА

***Республика «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг Фарғона филиали томонидан 900 нафардан ортиқ бола ва уларнинг ота-оналари тиббий кўрикдан ўтказилди. Турли касалликлар ташхиси қўйилган беморларга тавсия ва маслаҳатлар берилди.***

#### ЖАМҒАРМА ҲОМИЙЛИГИДА

Шунингдек, жамғарма ҳомийлигида кам таъминланган ва жисмоний имконияти чекланган фарзандлари бор оилаларга дори-дармон, санитария-гигиена воситалари, ногиронлар аравачалари, ортопедик мосламалар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва кийим-кечаклар тарқатилди.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ**

### СИРДАРЁ

***— Бугун юртимизда, жумладан, вилоятимизда қишлоқ хўжалиги соҳасида ибратга молик ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, фермерликка қизиқиш тобора ортиб боряпти,— дейди Мирзаобод қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежи директори Ўткир Тўраев.***

#### ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ ҲИСОБИДАН

— Дарҳақиқат, фермерлик ҳаракатига коллеж битирувчиларини жалб қилиш яна бир самарали қадам бўлди.

Биргина Сирдарё вилоятида банклар томонидан 2012 йил битирувчиларининг 348 нафарига жами 899,6 млн. сўмлик кредит ажратилди. Кредит олганлар ичида ўзининг мустақил фермерлик фаолиятини бошлаганлар ҳам бор. Жумладан, коллеж битирувчиси Санжар Эшонқулов ўз имкониятини синаб кўриш истагида устозлари билан маслаҳат қилди ва коллеж оталиғидаги 37,2 га. ер майдонида тер тўкиб, 19,5 тонна буғдой, 25 тонна пахта етиштиришга эришди.

Имтиёзли кредит учун истак билдирганлар анча кўп. Нафақат битирувчилар, шунингдек, коллежнинг I, II курс талабалари ҳам ташаббус билан чиқишмоқда.

— Иқтисодиёт фанидан таваккалчилик хусусиятини ўргангандик. Ана шу таваккалчиликни ўзимда синаб, банк билан шартнома туздим. Оила аъзоларим меҳнати ва тажрибасини кузатиб юрганлигим учун унчалик қийналганим ҳам йўқ, — дейди «Эшонқул Бойчаққон» фермерлик уюшмаси ёш раҳбари С. Эшонқулов.

**О.МАМАДАЛИЕВА**

### СУРХОНДАРЁ

***Жарқўрғон туманидаги «Минор» саёҳат-туризм хусусий фирмаси бошлиғи Олимжон Нормуродов бундан ўн бир йил аввал 3 киши билан иш бошлаган эди.***

#### МИЖОЗНИНГ КЎНГЛИ ТЎЛСА, БАС

— Айни чоғда корхонанинг ишчи-хизматчилари сони 80 нафарга етди. Уларнинг аксарияти касб-ҳунар коллежларини битирган маҳаллий йигит-қизлардир.

Фирмамизда 30 дан ортиқ турда хизмат кўрсатилади, — дейди О. Нормуродов. — Муҳими, мижознинг кўнгли тўлса, бас. Айтганча, бу йил яна 20 та янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилмоқда.

**Рустам ДАВЛАТОВ**

Ishonch
2013-yil 21-fevral № 22 (3215)

# ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ: ЭЗГУ МАҚСАД ВА МУҲИМ ВАЗИФАЛАР

**(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).**

Дастурда мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида саноатни ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилган. Уларда саноат кооперациясини мустаҳкамлаш, ҳудудий корхоналарни маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишга жалб этиш, бўш ётган ишлаб чиқариш майдонлари негизида янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш кўзда тутилган.

Қишлоқ аҳолисини боғдорчилик фаолиятига жалб этиш, узумчилик, чорвачилик ва ипакчиликни ривожлантириш ҳам аҳоли бандлиги ҳамда даромадларини оширишга хизмат қилади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун янги корхоналар барпо этиш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича 288 лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Қайта ишлаш ҳажмлари, жумладан, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва қишлоқ хўжалиги учун замонавий мини-технологияларни жорий этиш ҳисобидан кўпайтирилади.

«Электрон ҳукумат» тизимини жадал шакллантириш ҳам муҳим ва долзарб вазифадир. Интернет тармоғида «бир дарча» режимида фаолият юритадиган интерфаол давлат хизматлари ягона порталини яратиш мўлжалланган бўлиб, бу иқтисодий фаолият субъектлари ва бошқарув органларининг ўзаро муносабатларини сезиларли даражада соддалаштириш имконини беради.

2013 йилда соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотларни чуқурлаштиришга оид ишлар давом эттирилади. Шу мақсадда аҳоли саломатлигини сақлаш тизимини такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, уларни замонавий ташхис ва даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, хасталикларнинг олдини олишни кенгайтириш ҳамда даволашнинг илғор технология ва услубларини жорий этиш, пировард натижада фуқаролар, айниқса, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилади. Чекка жойлардаги аҳоли пунктларида 32 қишлоқ врачлик пунктини барпо этиш, 54 тиббиёт бирлашмасини қуриш ва реконструкция қилиш кўзда тутилган. Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, 11 вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ва бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш режалаштирилган. Уларнинг барчаси, шунингдек, 13 вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказі замонавий ташхис ва даволаш ускуналари билан жиҳозланади.

Инсон капиталига инвестицияларни йўналтириш — изчил иқтисодий ривожланиш ва аҳоли фаровонлигини оширишнинг муҳим шартидир. Шу мақсадда жорий йил Давлат дастурида жисмоний ва маънавий соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш, замонавий ҳунарларни пухта эгаллаган мутахассисларни тайёрлаш, таълим даражасини янада такомиллаштириш ва унинг сифатини ошириш, таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича амалга ошириладиган ишларнинг ҳар томонлама самарадорлигини таъминлаш кўзда тутилган.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш доирасида 217 умумтаълим мактабини реконструкция қилиш ва 164 умумтаълим мактабини, 159 академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежларини капитал таъмирлаш, 55 мусиқа ва санъат мактаби ҳамда 116 болалар спорти объектини, олий таълим муассасалари тизимидаги 45 иншоотни қуриш ва реконструкция қилиш режалаштирилган. Уларнинг барчаси зарур ускуна ва инвентарлар билан жиҳозланади. Шу билан бирга, болалар соғломлаштириш оромгоҳларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ҳам кўзда тутилган.

Мамлакатимизда ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашда ушбу жараённинг маънавий-ахлоқий жиҳатига эътибор қаратиш, уларда миллий ғурур, ўзликни англаш туйғуларини шакллантириш алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу ишлар доирасида 2013 йилда ёшларнинг касбий кўникма ва шахсий фазилатларини ривожлантириш учун таълим оромгоҳлари фаолият кўрсатади, болалар ҳамда ёшларнинг фойдали ва маданий дам олишини ташкил этиш янада юқори даражага кўтарилади.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурида халқимизнинг турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини янада ошириш, муносиб яшаш ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш, янги турар жойлар қуриш, замонавий йўллар ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви, электр ва иссиқлик энергияси билан кафолатли таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Масалан, 2013 йилда 553 қишлоқ массивида намунавий лойиҳалар асосида 10 мингта якка тартибдаги уй-жой қурилади, мамлакатимиз аҳолисини, биринчи навбатда, қишлоқ аҳолисини сув, газ ва канализация хизматлари, электр энергияси билан таъминлашни яхшилаш бўйича лойиҳалар амалга оширилади, минглаб километр янги юқори волтли электр узатиш линиялари, сув чиқариш ҳамда газ тақсимлаш тармоқлари объектлари барпо этилади ва мавжудлари реконструкция қилинади.

Дастурда замонавий йўллар, муҳандислик-коммуникация ва транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилган. Умумий фойдаланиладиган автомобил йўлларини капитал таъмирлаш, шунингдек, қишлоқ жойларда узунлиги 239,1 километр бўлган янги, туташган автомобил йўлларини барпо этиш, шаҳарларда янги кўчалар қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш режалаштирилган.

Маҳалла халқимиз ҳаётида муҳим ўрин тутади. Шу муносабат билан 2013 йилги Давлат дастурида маҳалла институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, жойларда ижтимоий ва иқтисодий ривожланишга оид масалаларни ҳал этишда уларнинг ўрни ва аҳамиятини ошириш, ёш ҳамда кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, маҳаллалар ва турар жой массивларининг ташқи қиёфасини яхшилаш, ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштиришга оид муҳим комплекс чора-тадбирларни бажариш режалаштирилган.

Маҳаллаларнинг қиёфасини янада яхшилаш, уйларнинг олд қисми ва томларини, кўчалар ва йўлакларни таъмирлаш, болалар спорт майдончаларини қуриш, энергия тежовчи технологияларни қўллаш орқали ташқи ёритиш тармоқларини ривожлантириш, санитария шароитларини яхшилаш ҳам дастурда белгиланган вазифалар сирасига киради. Маҳаллалар ҳудудларида 15 миллион туп манзарали ва 29,5 миллион туп мевали дарахт ниҳоллари, шунингдек, 10 миллион туп гул ҳамда буталар экиш кўзда тутилган. 2013 йилда маҳаллаларни ободонлаштириш, қишлоқда экологик турмуш шароитларини яхшилаш масалаларини ҳал этишга нодавлат нотижорат ташкилотларини жалб қилиш орқали қишлоқларнинг ижтимоий инфратузилмасини яхшилаш бўйича «Обод уйим» лойиҳаси амалга оширилади.

Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларни аниқ манзилли асосда ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар истиқболда ҳам изчиллик билан амалга оширилади.

Маҳаллаларда йил давомида халқимизга хос тинчлик-осойишталикка интилиш, меҳр-мурувват, ўз халқининг тарихи ҳамда маданиятини ҳурмат қилиш каби қадриятларни тарғиб этадиган маънавий-маърифий тадбирлар, кўрик-танловлар ташкил этилади.

Жорий йилда ҳам мамлакатимизда оилани янада мустаҳкамлаш, аёлларнинг оила ва жамиятдаги ўрни ва мавқеини, ижтимоий фаоллигини ошириш, иқтисодиётнинг турли тармоқларида аёллар бандлигини таъминлаш ва фаолиятини муносиб рағбатлантириш, уларга ўзини намоён этиши ҳамда уй-рўзғор юмушларини енгиллаштириш учун қулай ижтимоий-маиший шароитларни яратиш бўйича бажарилаётган ишлар янада ривожлантирилади.

Хусусан, Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш доирасида «Ёш оилалар учун турар жой» дастурини, имтиёзли кредитлар тақдим этиш орқали, айниқса, қишлоқ жойларда хотин-қизлар тадбиркорлигини ҳар томонлама ривожлантириш ва молиялаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган. Шу мақсадда «Оила фаровонлигини янада ошириш мақсадида аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш» лойиҳаси рўёбга чиқарилади.

Дастурда қайд этилган тадбирларни амалга ошириш учун жами 6655 миллиард сўм ёки 919,2 миллион АҚШ долларига тенг маблағ йўналтирилади. Шунинг 3312,4 миллиард сўмини давлат бюджети ва давлатдан ташқари жамғармалар, 1917,9 миллиард сўмини ижрочилар ва ҳомийлар, 1424,7 миллиард сўмини тижорат банкларининг кредитлари ташкил қилади. Шунингдек, 664,6 миллион доллар ҳажмида халқаро ташкилотлар, молия институтларининг маблағлари ва грантлар жалб этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, барча туман ва шаҳарларда «Обод турмуш йили» Давлат дастурини амалга ошириш бўйича комиссиялар ташкил этилади. Уларнинг вазифалари Давлат дастурида кўзда тутилган тадбирларнинг сўзсиз, тўлиқ ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек, тегишли ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда бажаришдан иборатдир.

Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича республика комиссияси зиммасига давлат ва хўжалик бошқарувининг республика органлари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг унда белгиланган тадбирларнинг тўлиқ ва ўз вақтида бажаришига доир ишларни мувофиқлаштириш вазифаси юклатилган.

Мухтасар айтганда, «Обод турмуш йили» Давлат дастури мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг барча муҳим йўналишларини қамраб олган. Унинг самарали амалга оширилиши эса халқимизнинг ҳаётини янада яхшилаш, фаровон, тинч ва осуда турмуш кечириши, мамлакатимиз равнақини таъминлаш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлади.

**ЎзА**

Жамоа шартномалари — амалда!

Меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишда жамоа шартномаларининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Буни «Бекободцемент» очиқ акциядорлик жамияти мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

# МАНФААТЛАР ТУТАШГАН ЖОЙДА

— Бозор иқтисодиёти шароити касаба уюшма ташкилотлари фаолиятида ҳам туб ўзгаришлар ясашни тақозо этмоқда, — дейди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Азамат Худоёров. — Тизимда амалга оширилаётган ислоҳотлар, жумладан, бошланғич ташкилотларга қаратилаётган эътибор ҳам айнан шундан дарак беради. Хусусан, «Касаба уюшмалари Федерацияси тизимида касаба уюшмасига аъзолик бадалларини тақсимлаш, касаба уюшма бюджети маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги Низом фаолиятимизни қўллаб-қувватлашда яқиндан кўмак беради.

Корхонада ишлаб чиқариш ҳажми билан мутаносиб равишда ўртача ойлик иш ҳақи ҳам ортиб бормоқда. Масалан, 2010 йил ишчи-хизматчиларнинг ўртача иш ҳақи 498 минг сўмни ташкил этган бўлса, бултур бу рақам 887 минг 672 сўмга етди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш доимий назоратга олинган. Ишчи-хизматчиларнинг соғлиғини асрашга маъмурият ҳам, касаба уюшма ташкилоти ҳам муҳим вазифа сифатида қарайди. Ўтган йили ушбу мақсад учун 1 млрд.165 млн. 715 минг сўм сарфланди. Шу билан бирга, жамоатчилик асосида сайланган меҳнат муҳофазаси бўйича вакилларнинг ўқиши ҳам мунтазам равишда ўтказилаётир.



Ишчи-хизматчилар жамоа шартномасида кўрсатилган имтиёзлардан тўлиқ фойдаланишмоқда. Жумладан, 50 ва 60 ёшни қаршилаган ёки иш стажига 20, 25, 30, 35, 40 йил тўлган ходимлар моддий жиҳатдан рағбатлантирилаяпти. Байрамларда кам таъминланган ҳамда кўп болали оилалар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Масалан, Мустаҳкам оила йилида 3 та кам таъминланган оилага қорамол ҳамда 500 та товуқ олиб берилди.

Касаба уюшма ташкилоти ишловчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш учун барча имкониятни ишга солмоқда. Масалан, Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб цех ходимлари ўртасида ўтказилган «Балли, йигитлар» кўрик-танлови кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Тадбирда корхона йигитлари зукколигу чаққонликларини намойиш этишди. Ғолиблар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

«Балли, боболар» кўрик-танлови янада қизиқарли кечди. Унда механика таъмирлаш цехининг чилангари 60 ёшли Асқар Салимов ғолибликни эгаллади.

Меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришга қаратилган ишлар ҳам таҳсинга лойиқ. Ўтган йили жамоа аъзоларидан 225 нафари «Зомин», 42 нафари «Кумушкон» дам олиш масканларида ҳордиқ чиқарди. «Цементчи» болалар соғломлаштириш оромгоҳида эса 470 нафар ўғил-қиз имтиёзли дам олдирилди.

Бундан ташқари, 8 нафар пенсионер «Чортоқ», 10 нафар фахрий «Зангиота» сиҳатгоҳида соғлигини тиклади.

— Корхона маъмурияти ва касаба уюшма ташкилоти ишловчиларларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришига бирдек масъул, — деди касаба уюшма ташкилоти етакчиси А. Худоёров. — Мақсадлар муштараклиги-ю, ҳамкорликда ишлашга не етсин!

**Неъмат РАФИҚОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

***Жамоа шартномаси иш берувчи ва ходим ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи муҳим ҳужжат ҳисобланиб, унга асосан ишчи-хизматчиларга қатор имтиёзлар берилиши барчага аён. Шу боис, одатга кўра йил бошида корхона ва ташкилотларда жамоа шартномаси бандларининг бажарилиши юзасидан муҳокама ўтказилади. Маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси бу борада амалга оширилган ишлар ҳақида жамоа олдида ҳисоб беради, йиллик фаолият холис баҳоланди.***

# ҚЎЛНИ ҚЎЛГА БЕРИБ

«Шаҳрисабз пахта тозалаш» акциядорлик жамиятида жамоа шартномасининг 2012 йилда бажарилишига бағишланган конференция айнан шу масалага бағишланди.

— Ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш учун қатор ишлар амалга оширилмоқда, — деди ўз маърузасида жамият бошқаруви раиси Мурод Бегалиев. — Ишлаб чиқариш воситаларидан унумли фойдаланганимиз ва шунингдек, ходимларнинг самарали меҳнати туфайли режа ортиғи билан бажарилди.

Ижтимоий шериклик тамойиллари асосида фидойи ишчилар мунтазам рағбатлантириб борилди. Ёрдам сўраб мурожаат қилган 60 нафар ходимга 9 миллион 141 минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. 8 нафар ходимнинг никоҳ тўйи муносабати билан уларга энг кам иш ҳақининг беш баробари миқдорида кўмак берилди.

Жамиятда узоқ йиллар меҳнат қилган ва касаллиги туфайли ногирон бўлиб қолган 16 кишига — Халқаро ногиронлар куни муносабати билан 100 минг сўмдан маблағ ажратилди.

Саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида икки ходимга сиҳатгоҳ йўлланмалари ажратилган бўлса, яна уч киши «Ўзпахтасаноат» уюшмасига қарашли «Шифо-мадад» санаторий-профилакторийсида даволанди.

Жамоа аъзоларининг болалари ёзги таътилни мароқли ўтказиши учун жамият ҳисобидан 60 та бепул йўлланма билан таъминланди.

Спорт тадбирлари ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини жонли тарғиботчиси. Жамиятнинг футбол жамоаси тумандаги корхона ва ташкилотлар ўртасида ўтган «Мустақиллик кубоги» мусобақасида қатнашиб, яхши кўрсаткичларга эришди...

Сўзга чиққан жамият касаба уюшма қўмитаси раиси Абдурашид Қаюмов жамоа шартномаси бўйича бажарилган ишларга атрофлича тўхталиб, жумладан, шундай деди:

— Йил давомида қарилик нафақасига чиққан олти нафар фахрийга энг кам иш ҳақининг саккиз баробари миқдорида моддий ёрдам берилди. Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан аёлларимизга эҳтиром кўрсатилиб, пул мукофотлари ажратилди. 50 нафар ходим касаба уюшма қўмитаси маблағи ҳисобидан республикамизнинг тарихий қадамжоларига зиёратга олиб борилди.

Мустаҳкам оила йили тадбирларини бажариш юзасидан корхонада электродвигателларни таъмирлаш, ошпазлик, боғбонлик, тикувчилик бўйича иш ўринлари яратилди. Хусусан, 12 гектар майдонда интенсив боғ ташкил қилинди. 15 минг туп олма кўчати экилиб, доимий олтита иш ўрни вужудга келтирилди. Жамият қошидаги «Чоршанбе» пахта қабул қилиш масканида реконструкция ва модернизация ишлари олиб борилди. Ҳозирги кунда «Макрид» ва «Чоршанбе»даги масканларимизда пилла етиштириш ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари қурилиши бошлаб юборилган бўлиб, бу ерда ҳам қўшимча 60 та иш ўрни яратилади.

371 нафар ходим ишлайдиган жамиятимизда 2012 йилда жамоа шартномаси бандларининг бажарилиши юзасидан сарфланган маблағ ҳар бир ходимга ўртача 273 минг сўмни ташкил этди.

Шундан сўнг иш ҳақи бўлими ходими Маъруф Элмуродов, «Чоршанбе» пахта қабул қилиш маскани мудири Эркин Бўриев, ишчи Эргаш Намозов музокарада сўзга чиқиб, жамият бошқаруви ва касаба уюшма қўмитасининг «Жамоа шартномаси» бандларининг 2012 йилдаги бажарилиши бўйича фаолияти юзасидан ўз фикрларини билдирди.

Йиғилиш қатнашчилари томонидан 2013-2015 йилларга мўлжалланган жамоа шартномаси лойиҳаси кўриб чиқилди.

**Акмал АБДИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**



# КЕНГГА КЕНГ ДУНЁ

***Аъзолик бадалларини тақсимлаш, касаба уюшма бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низомга кўра, 15 февралдан амалда йиғилган аъзолик бадалларининг 60 фоизгача, балансида йирик ижтимоий объектлари бўлган корхона, ташкилот, муассасаларда эса 70 фоизгача қолдирилиши режалаштирилган.***

Республика электр энергиясининг салмоқли қисмини ишлаб чиқарадиган «Сирдарё ИЭС» бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Саид Ярибеков бу ҳақда шундай дейди:

— Молиявий имкониятнинг ошиши ҳисобига ходимлар саломатлиги учун кўпроқ маблағ йўналтириш имкони туғилди. Бундан самарали фойдаланишга ҳаракат қиламиз. Муҳими, ходимларни ҳимоя этиш доираси кенгайгани сайин, улар фаолиятининг самарадорлиги ҳам ошиб бораверади.

**Озода МАМАДАЛИЕВА,**
**«Ishonch» мухбири**

***Водийнинг энг қадимий ва навқирон шаҳри Ҳўқанди-латиф сўнгги йилларда янгича қиёфа касб этди. Президентимиз қарори билан олиб борилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари туфайли шаҳар таниб бўлмас даражада ўзгарди. Кенг равон йўллар, икки-уч қаватли турар-жой ва савдо мажмуалари шаҳар кўркига кўрк қўшди. Бугун Қўқон шаҳрида 40 дан зиёд ишлаб чиқариш корхоналари фаолият юритмоқда. «Қўқонсуперфосфат» ОАЖ, «Қўқондонмаҳсулотлари» ОАЖ, «Ёғ-мой комбинати» ОАЖ, «Қўқон пахта тозалаш» корхонаси, «Қўқон-Асака текстил» комбинати, «Сут» заводи сингари йирик корхоналар шулар жумласидан.***

# ҚЎЙИНИДАН ТУШСА ҚЎНЖИГА

1995 йилда фаолият бошлаган «Қўқон спирт» ОАЖ корхонаси шаҳарнинг йирик корхоналаридан бири. Айни пайтда корхонада 100 нафарга яқин ишчи-ходим меҳнат қилади. Модернизация туфайли цехлар янги технологиялар билан жиҳозланди. Италиянинг «МДТ» ҳамда «Фирелли» компаниялари технологиялари маҳсулот сифатини жаҳон андозалари даражасига олиб чиқди. Хорижга экспорт қилинаётган маҳсулотнинг ҳажми ортиб, корхона ўтган йилни 13514,2 млн. сўм фойда билан якунлади.

Даромаднинг ортиши ишчи-ходимлар маошлари, меҳнат ва дам олиш шароитларининг яхшиланишида ҳам акс этди. Корхонада ўртача ойлик иш ҳақи 849 минг сўмга етди. Ишчи-ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш мақсадида маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси томонидан ёрдамчи хўжалик ташкил этилган. Иккита иссиқхона, экин майдонлари шарофати ила етиштирилган лимон, помидор, бодринг, саримсоқпиёз сингари маҳсулотлар ходимларга бепул тарқатилмоқда. Бўрдоқичилик фермасида 212 та наслли қорамоллар парваришланмоқда. Ёрдамчи хўжаликда 82 нафар касаначи иш билан таъминланган. Жорий йилда уларнинг сони янада ошади. Сабаби, 20 минг та парранда келтирилиб, парваришлаш учун айни дамда жой ҳозирланмоқда.

— Ишчи-ходимларга қулай шароитлар яратиш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш зиммамиздаги асосий вазифадир, — дейди касаба уюшма ташкилоти раиси Маликжон Ҳошимов. — ЎзКУФКнинг қарори асосида касаба уюшма тизимидаги ўзгаришлар туфайли бошланғичлар нуфузи янада ортди. Сабаби, қарорга кўра, аъзолик бадалларининг 60-70 фоизи бошланғичлар ҳисобида қолдирилиши касаба уюшма маблағларининг ортишига, ижтимоий ҳимоянинг янада кучайишига хизмат қилади. Иш ва дам олиш шароитлари тубдан ўзгаради. Жамоамизда меҳнат қилувчи минг нафарга яқин ходимнинг аъзолик бадаллари кўпайиши натижасида бир йилда 9 млн. 600 минг сўм ҳисобимизга тушади. Бу эса ўз-ўзидан ташкилот имкониятини ошириб, турли тадбирлар, учрашувлар ташкил этишга имконият яратади. Ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш учун сиҳатгоҳлар, ёзги оромгоҳларга йўлланмалар янада кўпайтирилади. Шунингдек, эҳтиёжманд оилаларга берилаётган моддий кўмак салмоғи ортади.

Корхона кимё соҳасидаги ишлаб чиқариш тизимига киритилган бўлиб, бу ерда зарарли ишда ишловчилар учун алоҳида меҳнат шароитлари яратилган. Техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси учун ўтган йилда 113423 минг сўм, сут ва қатиқ маҳсулотлари учун 37317,5 минг сўм, ходимларни тиббий-кўрикдан ўтказиш учун 10300 минг сўм сарфланди.

Ходимлар спорт билан шуғулланиши учун корхона спорт мажмуасида барча шароит мавжуд. Бултур жамоа аъзоларига сиҳатгоҳларда даволаниши учун 43 та йўлланма берилди. Ёзги соғломлаштириш мавсумида ходимлар фарзандларидан 20 нафари бепул дам олдирилди. Ўз-ўзидан тушунарлики, бадаллар бўйича имтиёзлар берилиши ижтимоий ҳимояда ҳам ўз ифодасини топади.

**Абдулҳай ЮНУСОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## Qishloq Qurilish Bank

Қуйидаги муддатли янги омонат турларини таклиф этади:

**Миллий валютада:**

**«Тонг»** — муддати 1 ой
**«Баҳор»** — муддати 3 ой
**«Барҳаёт»** — муддати 12 ой
**«Обод турмуш»** — муддати 24 ой

**Хорижий валютада:**

**«New»** — муддати 1-3 ой

Қуйидаги омонат турлари намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойларни олувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий қилинган:

**«Мадад»** — муддати 1 йил
**«Қурилишга бошланғич бадал»** — 1 йилдан кам бўлмаган муддатга

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | Тошкент шаҳар минтақавий филиали | (371) | 150-76-21 |
| 2. | Тошкент вилояти минтақавий филиали | (370) | 150-79-52 |
| 3. | Андижон минтақавий филиали | (374) | 222-23-72 |
| 4. | Фарғона минтақавий филиали | (373) | 229-70-91 |
| 5. | Наманган минтақавий филиали | (369) | 223-04-37 |
| 6. | Бухоро минтақавий филиали | (365) | 223-92-21 |
| 7. | Самарқанд минтақавий филиали | (366) | 210-02-49 |
| 8. | Қашқадарё минтақавий филиали | (375) | 771-04-26 |
| 9. | Сурхондарё минтақавий филиали | (376) | 770-83-72 |
| 10. | Қорақалпоғистон минтақавий филиали | (361) | 224-22-15 |
| 11. | Хоразм минтақавий филиали | (362) | 227-48-15 |
| 12. | Сирдарё минтақавий филиали | (367) | 221-00-71 |
| 13. | Жиззах минтақавий филиали | (372) | 771-63-38 |
| 14. | Навоий минтақавий филиали | (436) | 770-27-97 |

*Банкдаги омонатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ - 4057 - сонли Фармони асосида тўлиқ кафолатланади.*

**Мурожаат учун телефонлар:**
**(+99871) 150-76-53, 150-39-93**
**www.qishloqqurilishbank.uz**

**Қишлоқ қурилиш банк — фаровон ҳаётингиз хизматида!**

*Хизматлар лицензияланган*

## ЛОЙИҲА ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Объект номи: **ЛОТ-1**

**ЛОТ 1.1. «Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар, Қ.Ниёзий кўчаси автойўлини реконструкция ишлари» (0-1 км. қисми) (1-навбат).**

*Муддати* —**1 ой.**

*Бошланғич нархи* — **236 229 999 сўм ҚҚС билан; 196 858 333 сўм ҚҚС сиз.**

**ЛОТ 1.2. «Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар, Сайилгоҳ (Проектная) кўчаси автойўлини реконструкция ишлари» (1,1 км. қисми).**

*Муддати* — **1 ой.**

*Бошланғич нархи* — **301 313 400 сўм ҚҚС билан; 251 094 500 сўм ҚҚС сиз.**

**ЛОТ 1.3. «Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар, Ал-Фарғоний кўчаси автойўлини реконструкция ишлари» (2,8 км. қисми).**

*Муддати* — **1 ой.**

*Бошланғич нархи* — **422 465 589 сўм ҚҚС билан; 352 054 658 сўм ҚҚС сиз.**

Манзил: Фарғона шаҳар, Темирйўлчилар кўчаси 37, тел:(373) 400-52-80, 224-24-33(факс).

Лойиҳалаш ишлари: Маҳаллий бюджет, йил бошига шаклланган эркин қолдиқ маблағлари ва чораклар давомида даромадлар режасини ортириб бажарилган қисми маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: лойиҳа-пешҳисоб ишларини бажариш бўйича тажрибаси борлиги, махсус лицензияга эга бўлиши, меҳнат ресурслари ва мутахассисларга эгалиги, ўхшаш объектларда иш тажрибасига эгалиги, ўтган даврларда бажарилган лойиҳа-пешҳисоб ишлари, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз лойиҳачиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси, 37-уй, телефон/факс: (373)224-18-71

Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси, 37-уй манзилида ўтказилади.

**Хизматлар лицензияланган**

# ДОВОДИМ ДО ВАШЕГО СВЕДЕНИЯ!

**В связи с изменениями массивов и количества домов, нижеуказанные лоты в приглашении № 2013 – 01, участвующие в конкурсных торгах инвестиционной программы строительства жилья для комплексного развития села и опубликованные в газетах «Правда Востока» от 26 Января 2013 г. №18 и «Народное слово» от 26 Января 2013 г. №18 считать аннулированными.**

1-фаза

| № лота | Область | Район | Массив | Ближайщий центр\ город | Ближайщее расстояние к центру\ городу (км) | Кол-во домов по Лоту | Номера домов по Лоту |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 03 | Каракалпакстан | Амударья | Вахум | г. Мангит | 3 | 10 | 11,12,13,14,15,16,17,18,19,20 |
| 04 | Каракалпакстан | Амударья | Вахум | г. Мангит | 3 | 10 | 21,22,23,24,25,26,27,28,29,30 |
| 05 | Каракалпакстан | Амударья | Вахум | г. Мангит | 3 | 10 | 31,32,33,34,35,36,37,38,39,40 |
| 06 | Каракалпакстан | Канлыкол | Киндикозек | р/ц. Канлыкол | 16,5 | 8 | 1,2,3,4,5,6,7,8 |
| 07 | Каракалпакстан | Караузяк | Кобейшунгил | р/ц. Караузяк | 3 | 8 | 1,2,3,4,5,6,7,8 |
| 09 | Каракалпакстан | Кегейли | Жузум-баг | г. Кегейли | 22 | 8 | 10,11,12,13,14,15,16,17 |
| 24 | Каракалпакстан | Чимбай | Улкенканлы | г. Чимбай | 6 | 9 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9 |
| 25 | Каракалпакстан | Чимбай | Улкенканлы | г. Чимбай | 6 | 8 | 10,11,12,13,14,15,16,17 |
| 27 | Каракалпакстан | Элликкала | Сарибий | г. Бустон | 20 | 8 | 1,2,3,4,5,6,7,8 |
| 28 | Каракалпакстан | Элликкала | Сарибий | г. Бустон | 20 | 8 | 9,10,11,12,13,14,15,16 |
| 29 | Каракалпакстан | Элликкала | Сарибий | г. Бустон | 20 | 7 | 17,18,19,20,21,22,23 |
| 30 | Каракалпакстан | Элликкала | Юртобод | г. Бустон | 25 | 9 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9 |
| 31 | Каракалпакстан | Элликкала | Юртобод | г. Бустон | 25 | 8 | 10,11,12,13,14,15,16,17 |
| 32 | Каракалпакстан | Элликкала | Юртобод | г. Бустон | 25 | 8 | 18,19,20,21,22,23,24,25 |
| 63 | Сирдарья | Сардоба | Т. Малик СИУ | Гулистан | 7 | 10 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10 |
| 64 | Сирдарья | Сардоба | Т. Малик СИУ | Гулистан | 7 | 10 | 11,12,13,14,15,16,17,18,19,20 |
| 79 | Хорезм | Хива | Гулланбог | г. Ургенч | 19 | 10 | 11,12,13,14,15,16,17,18,19,20 |
| 83 | Хорезм | Хазарасп | 12 нарвон | г. Ургенч | 45 | 5 | 1,2,3,4,5 |

**В связи с изменениями массивов и количества домов, нижеуказанные лоты в приглашении № 2013 – 02, участвующие в конкурсных торгах инвестиционной программы строительства жилья для комплексного развития села и опубликованные в газетах «Банковские ведомости» от 30 Января 2013 г. № 5, «Миллий тикланиш» от 30 Января 2013 г. №4 и «Кишлок хаёти» от 31 января № 13 считать аннулированными.**

2-фаза

| № лота | Область | Район | Массив | Ближайщий центр\ город | Ближайщее расстояние к центру\ городу (км) | Кол-во домов по Лоту | Номера домов по Лоту |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 169 | Андижан | Пахтаобод | Нодирабегим | Андижан | 35 | 9 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9 |
| 170 | Андижан | Пахтаобод | Нодирабегим | Андижан | 35 | 9 | 10,11,12,13,14,15,16,17,18 |
| 230 | Бухара | Коровулбозор | Сардоба | г.Каган | 50 | 13 | 5,6,7,11,12,13,14,20,21,22,23,24,25 |

**В связи с изменениями массивов и количества домов, нижеуказанные лоты в приглашении № 2013 – 03, участвующие в конкурсных торгах инвестиционной программы строительства жилья для комплексного развития села и опубликованные в газетах «Махалла» от 02 Февраля 2013 г. № 10 и «Маърифат» от 02 Февраля 2013 г. № 10 считать аннулированными.**

3-фаза

| № лота | Область | Район | Массив | Ближайщий центр\ город | Ближайщее расстояние к центру\ городу (км) | Кол-во домов по Лоту | Номера домов по Лоту |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 413 | Наманган | Туракургон | Беруний | Туракургон | 12 | 10 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10 |
| 416 | Наманган | Туракургон | Шовон | Туракургон | 17 | 10 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10 |
| 418 | Наманган | Уйчи | Тепасарой | Уйчи | 3 | 10 | 11,12,13,14,15,16,17,18,19,20 |
| 422 | Наманган | Учкургон | Каттамогол | Учкургон | 8 | 11 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11 |
| 423 | Наманган | Учкургон | Каттамогол | Учкургон | 8 | 12 | 12,13,14,15,16,17,18,19,20,21,22,23 |
| 425 | Наманган | Чорток | Мучум | Чорток | 3 | 10 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10 |
| 426 | Наманган | Чорток | Мучум | Чорток | 3 | 10 | 11,12,13,14,15,16,17,18,19,20 |
| 427 | Наманган | Чорток | Мучум | Чорток | 3 | 10 | 21,22,23,24,25,26,27,28,29,30 |
| 428 | Наманган | Чорток | Сарой | Чорток | 12 | 10 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10 |
| 429 | Наманган | Чорток | Сой | Чорток | 5 | 10 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10 |
| 437 | Наманган | Янгикургон | Маданият | Янгикургон | 30 | 10 | 11,12,13,14,15,16,17,18,19,20 |
| 438 | Наманган | Янгикургон | Маданият | Янгикургон | 30 | 8 | 21,22,23,24,25,26,27,28 |
| 455 | Самарканд | Жомбой | Узуновул | Самарканд | 15 | 11 | 23,24,25,26,27,28,29,30,31,32,33 |
| 456 | Самарканд | Жомбой | Узуновул | Самарканд | 15 | 11 | 34,35,36,37,38,39,40,41,42,43,44 |
| 457 | Самарканд | Жомбой | Узуновул | Самарканд | 15 | 10 | 45,46,47,48,49,50,51,52,53,54 |
| 458 | Самарканд | Нарпай | Ногорахона | Каттакургон | 21 | 10 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10 |
| 459 | Самарканд | Нарпай | Ногорахона | Каттакургон | 21 | 11 | 11,12,13,14,15,16,17,18,19,20,21 |
| 461 | Самарканд | Иштихон | Бодой | Самарканд | 65 | 10 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10 |
| 462 | Самарканд | Иштихон | Тупор | Самарканд | 68 | 10 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10 |
| 484 | Самарканд | Каттакургон | Мухтор | Каттакургон | 3 | 10 | 41,42,43,44,45,46,47,48,49,50 |
| 487 | Самарканд | Кушрабод | Кургон | Самарканд | 70 | 10 | 11,12,13,14,15,16,17,18,19,20 |
| 490 | Самарканд | Нуробод | Нурбулок | Самарканд | 65 | 8 | 17,18,19,20,21,22,23,24 |
| 491 | Самарканд | Нуробод | Янгикишлок | Самарканд | 80 | 9 | 9,10,11,12,13,14,15,16,17 |
| 492 | Самарканд | Нуробод | Янгикишлок | Самарканд | 80 | 9 | 18,19,20,21,22,23,24,25,26 |
| 497 | Самарканд | Пайарик | Кичиктурк | Самарканд | 40 | 11 | 21,22,23,24,25,26,27,28,29,30,31 |
| 498 | Самарканд | Пайарик | Кичиктурк | Самарканд | 40 | 11 | 32,33,34,35,36,37,38,39,40,41,42 |
| 529 | Сурхандарья | Бойсун | Бибиширин | Термез | 150 | 15 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11,12,13,14,15 |
| 530 | Сурхандарья | Бойсун | Бибиширин | Термез | 150 | 10 | 16,17,18,19,20,21,22,23,24,25 |
| 531 | Сурхандарья | Бойсун | Бибиширин | Термез | 150 | 10 | 26,27,28,29,30,31,32,33,34,35 |
| 588 | Сурхандарья | Кумкургон | Пахтаобод | Денов | 65 | 9 | 29,30,31,32,33,34,35,36,37 |
| 615 | Фергана | Дангара | Бино | Дангара | 13 | 8 | 1,2,3,4,5,6,7,8 |
| 616 | Фергана | Дангара | Бино | Дангара | 13 | 7 | 9,10,11,12,13,14,15 |
| 642 | Фергана | Фергана | Машал | Фергана | 7 | 15 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11,12,13,14,15 |
| 643 | Фергана | Фергана | Машал | Фергана | 7 | 15 | 16,17,18,19,20,21,22,23,24,25,26,27,28,29,30 |

**Услуги лицензировано**

